




ПАРРАНДАЛАРНИ ПАРВАРИШЛАШ БҮЙИЧА ТАВСИЯЛАР



Бугунги кунда паррандачилик жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Янги-янги паррандачилик хўжаликлари ва корхоналарининг ташкил топиши, аҳоли хонадонларида 50-100 ва ундан ортиқ миқдорда паррандаларнинг асралиши натижасида истеъмол бозорида паррандачилик маҳсулотларининг нарх-навосининг барқарор сақланиб туриши

буниг далилидир. Дарҳақиқат Паррандачилик етти хазинанинг биридир. Давлат ветеринария хизмати томонидан паррандаларни парваришлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилиб аҳоли хонадонларига етказилмоқда.

Аввало баҳор бошланиши билан инқубатория ва паррандачилик хўжаликлиридан сараланган жўжалар олинади. Чунки паррандалар қиши мавсумига қадар тез ривожланади ва тухум бера бошлайди.

Буниг учун ветеринария талабларига жавоб берадиган, барча шарт – шароитларга эга бўлган жўжаларни сақлаш жойи тайёрланади. Айрим ҳолларда жой тайёрланмасдан келтирилган жўжалар дастлабки кунларданоқ нобуд бўла бошлайди.

Бундай ҳолат содир бўлмаслиги учун кенг ва ёруғ хоналар танланади. Бинодаги барча мослама ва инвентарлар ташқарига чиқарилиб, хоналар аэрозол усулида дезинфекция қилинади.

Тайёрланган хона жўжалар келтирилишидан 2 кун олдин 32 даражага қиздирилади.

Бинонинг ҳарорати:

биринчи ҳафтада 32-27 °C;

иккинчи ҳафтада 26-24 °C;

учинчи ҳафтада 24-22 °C;

тўртинчи ҳафтада 22-20 °C;

бешинчи ҳафталарда 18-16 °C даражага иссиқ бўлиши керак.

Полсиз биноларда қалин қатламли тўшама устида ҳам жўжа ўстириш мумкин. Буниг учун майдалангандан сомон ва ёғоч қириндисидан фойдаланса бўлади. Бунда, аввало ерга сўндирилган оҳак сепилиб, 15-20 см қалинликда тўшама солинади. Кейин унинг ҳар бир квадрат метрига 16-20 тадан жўжа жойлаштирилади.

Жўжаларнинг соғлом ва жадал ривожланиши ҳамда товуқларнинг



маҳсулдорлигини ошириш бинодаги ёруғликнинг етарли микдорда бўлишига ҳам боғлиқдир.

Бунинг учун жўжа боқиладиган хоналарнинг ҳар бир квадрат метри 3 ватт, катта товуқларники эса 5 ватт электр нури билан ёритилиши зарур.

Электр чироқлари пол сатҳидан 1,7-1,8 метр баланлиқда бўлиши лозим.

Бинони ёритиш режими:

1-2 суткаларда 24 соатдан;

3-10 суткаларда 16 соатдан;

11-20 суткаларда 12 соатдан;

кейинги 10 кунда ва 180 кунгacha 8 соатдан ёритилиши керак.

Паррандахоналарда ҳаво алмашинувини доимий назоратда сақлаш зарур. Жўжалар ўсиш даврида сувга жуда талабчан бўлади. Улар сутка давомида истеъмол қилган қуруқ озуқага нисбатан икки баробар кўп сув ичади.

Шунинг учун уй ҳароратидаги тоза сув маҳсус идишларда вақти- вақти билан тўлдирилиб турилади. Бунда ёш жўжаларнинг эркин донлаши ва сув ичиши учун шароит яратилиши лозим.

Одатда жўжа тухумдан чиққач 15 соат ўтгандан кейин озиқланиб бошлайди.

Дастлаб уларга қотириб қайнатилган тухум ёки сузма, қатик (рационнинг 10 % микдорида), маккажўхори ёки буғдой ёрмаси аралаштириб берилиши керак.

Дастлабки кунларда дон ўрнига омиҳта ем бўлса янада яхши. Баъзи ҳолларда охурчаларга эланган озуқалар кукуни солиб қўйиш ҳам тавсия қилинади.

Иккинчи кундан бошлаб юқори концентратли озуқалар, табиий, витаминга бой бўлган кўк масса, сабзавот ва творог қабилар берилб бошланади.

Шунингдек, балиқ ёғи, балиқ уни, соя ёғи ва кунжараси, ўсимлик ёғи, витаминлар берилб торилади.

Парранда боқиладиган жой тоза бўлиши, вақти-вақти билан паррандахона тўлиқ тозаланиб 3% ли сувдаги ўювчи натрий ва бит, каналарга қарши препаратлар билан ишлов берилиб турилиши лозим.

Паррандаларни соғлом ўстириш мақсадида юқумли, паразитар ва гелминтоз касалликларга қарши профилактик тадбирларни ўз вақтида ўтказиб турилиши шарт.



Паррандалар учун ўтказиладиган ветеринария тадбирлари

| Парранда ёши | Ўтказиладиган ветеринария тадбирлари | Эмлаш дори бериш йўли | Микдори |
|------------------|---|--------------------------------|---|
| 30 кунликда | Юкумли бронхит касаллигига карши эмлаш | Сув билан ичирилади | 7,5 литр сув ва 2,5 хом сутга 1000 доза эритилади 12-14 соат чанқатилиб ичирилади |
| 35-40 кунликда | Ньюкасл(ўлат,чума) касаллигига қарши Ласота вакцинаси билан эмлаш | Бурун тешигининг икки тарафига | 2 томчидан |
| 40-50 кунликда | Кокцидиоз касаллигига карши фуразолидон бериш | Омихта ем билан | 3 г препарат 1000 бошга |
| 50-51 кунликда | Паррандахонани газация килиш. Эшик ва барча тешиклар бекилган холатда йод кукуни ва алюмин пудраси билан | Аэрозол | 3 г йод кукуни 1 грамм алюмин пудраси ва бир неча томчи кайнатилган иссик сув 1 метр куб учун |
| 70-75 кунликда | Парранда қони олиниб, Ньюкасл (ўлат, чума) касаллигига карши иммунитет даражасини текшириш | Лабораторияда | Белгиланган тартибда лаборатория текширувлари ўтказилади |
| 70-75 кунликда | ССЯ -76, Ньюкасл ва юкумли бронхитга қарши уч валентли вакцина билан эмлаш | Тери остига | 0,5-1,0 граммдан |
| 90-100 кунликда | Чечак касаллигига қарши эмлаш | Терисига | Махсус шиша таёкча билан парранда пати юлиниб ишканади |
| 120-140 кунликда | Чума касаллигига карши Ла-сота вакцинаси билан эмлаш | Оғиз орқали | 500 дозали эмлама 1 литр қайнатиб совутилган сув 25% сут қўшиб ичирилади. |



Мақола мұаллифи

Азамат Эсанов

Қишлоқ хұжалик фанлари фалсафа доктори (PhD)

Фермерлар мектаби Үқув ишлари бүйічә директор үринбосары

“Паррандачилик” модули үқитушчиси